


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)*  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ўзбекистон давлат консерваторияси.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларинини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари.....	4
1.2.3.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг турлари.....	5
1.2.4.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<b>60211500 – Чолгу ижрочилиги (халқ чолгулари)</b> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Келишув варағи.....	8

## **1. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат датурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– Олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** бакалавриат таълим йўналиши – фан, таълим ва санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, санъат ва маданият муассасаларида, давлат ва маҳаллий бошқарув органларида, давлат корхона ва ташкилотларида, таълим муассасаларида, турли фондлар ва лойиҳаларда ҳамда турли мулкчилик шаклидаги санъатга оид ишлар билан боғлиқ ташкилий-ижодий-иқтисодий жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, санъат таълим соҳасининг тегишли йўналишлари билан боғлиқ комплекс масалалари мазмунини камраб олади.

**1.2.2. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– санъат соҳасидаги тегишли жараёнлар, ижодий фаолият жараёнлари, муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясига тегишли қоидалар, санъат соҳасининг ахборот ва дастурий таъминоти, яратилган асарлар ва уларнинг тарғиботи, ижодий ғояларини лойиҳалаш ва амалиётга татбиқ қилиш жараёнлари, ўқув-тарбия жараёни.

**60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари Концерт ижрочиси, оркестр ва камер ансамбль созандаси, халқ чолғулари оркестри дирижёри, халқ чолғуларида ижрочилик ва дирижёрлик фанлари ўқитувчиси квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

**1.2.3. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ижодий-ижрочилик;
- ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда педагогик;
- ижтимоий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот фаолияти.

**1.2.4. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:

**60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Ижодий-ижрочилик фаолиятида:**

- мусиқий асарларни юксак бадиий савияда ижро этиш билан боғлиқ ижодий ишларни олиб бориш;
- уларни ижро этиш кўникмалари ва замонавий мусиқий ифодалаш воситаларини эгаллаш;
- ижро этилаётган асарларнинг мазмуни, шакли ва услубини баҳолаш;
- катта ва кичик жамоаларни дирижёрлик нуқтаи-назаридан бошқара олиш;
- халқ чолғулари оркестрига раҳбарлик қила олиш;
- турли хил жамоаларни бириктирган ҳолда мусиқий асарларнинг ижросига раҳбарлик қила олиш;
- мусиқий асарларнинг бадиий концепциясини яратиб, театр-концерт муассасалари, оркестр ва ансамблларда созандалик ва дирижёрлик қилиш;
- мусиқанинг мазмуни, шакли ва услубини тушуниш;
- ижрочиликда импровизация ифодавийлик воситаларини қўллаш;
- жамоада ижрочилик **қобилиятига эга бўлиши керак.**

**Ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида педагогик фаолиятда:**

- ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимининг ихтисосликка мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва яққа (лаборатория) машғулотларини ўтказиш;
- замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш усулларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни шакллантириш ва тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиши;
- мустақил таълим ва илмий-ижодий изланиш ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ўқув-тарбиявий, услубий ва илмий-тадқиқий ишларни режалаштириш, ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- мусиқа олами ҳодисаларини мустақил англаш ва таълим жараёнига сингдириш;

– ўқув жараёнини, ўқув-услубий, маънавий-тарбиявий ва илмий ишларни ташкил этишининг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш.

#### **Ижтимоий-маърифий фаолиятда:**

– касбий ва ҳаваскорлик бадиий жамоаларда раҳбар ва маслаҳатчи сифатида кенг кўламда мусикий-маърифий ишларни олиб бориш, миллий ва жаҳон мусиқа ижодиёти, ижрочилик ютуқларини тарғиб этиш;

– ёшлар билан мусикий-тарбиявий ишлар билан шуғулланиш, аҳоли таркибидаги ҳар хил гуруҳ ва қатламларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олишни уддалаш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– ижодий жараёнларни ташкил этиш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

– ижодий жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– информацион технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижодий жараёнларни мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ижодий жараёнларни назорат қилиш;

– композиторлик ва композиторлик кўникмаларини амалиётга тадбиқ қилиш;

– ижодий жараёнда сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи композиторлик, мусикий асар ёки уни қайта ишлаш ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда мусиқа санъатига оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий-ижодий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– мусиқа санъатига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш.

## **2. 60211500 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- барқарор ривожланиш ва медиа фалсафа масалаларини касбий фаолиятда қўллай олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ҳамкорлик ёзишмалари ва электрон алоқаларни олиб бориш, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиши;
- ташкилий тузилмаларни ишлаб чиқиш, ташкилотларнинг кадрларни бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш, амалга оширилаётган ҳаракатлар учун шахсий жавобгарликни ҳисобга олган ҳолда ваколатларни тақсимлаш ва бериш қобилияти;
- ҳамкорлик алоқалари ва оммавий нутқларни ўтказиш, музокаралар, учрашувлар, ҳамкорлик ёзишмалари ва электрон алоқаларни олиб бориш қобилияти;
- маданият ва санъат соҳасидаги замонавий ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнларига оид турли усул ва технологияларни таълим жараёни сифат кўрсаткичларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишда моҳирлик;
- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


---

### **Таянч сўзлар:**

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият тури, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг таълим дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, касб таълими, фан, техника, тадқиқот, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, замонавий педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, фан ишчи дастурлари, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария, педагогик технологиялар, ахборот тизимлари, нутқ маданияти, ўзбек мақом санъати, миллий чолғулар, най, кичик най, қўшнаё, сурнай, чанг, рубоб, дутор, зарбли ва урма чолғулар, чолғу ижрочилиги санъати, созандалик санъати, йирик мусиқий асарлар, камер асарлар, чолғу тембри, образ талқини, ижрочилик услублари, ижрога манتيкий ёндашув, мусиқий мавзулар яхлитлиги, чолғу туркумлари, ижодий услуб, ижро услуби, ансамбль, оркестр.

**КЕЛИШУВ ВАРАҒИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**  
**Ўзбекистон давлат консерваторияси**



Ректор  **К.Т.Уринбаев**  
202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ў.


**КЕЛИШИЛДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**хузуридаги Олий таълимни**  
**ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор**  
**технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор  **М.Х.Эсанов**  
202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_



**Ўзбекистон Республикаси Маданият**  
**вазирлиги Таълим муассасалари ва соҳани**  
**методологик таъминлаш бошқармаси**

Бошқарма бошлиги  **С.Х.Мадиев**  
202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_



М.Ў.

М.Ў.


**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият**  
**институтини**

Ректор  **И.Ж.Юлдашев**  
202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_



М.Ў.

**Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий**  
**музыка санъати институтини**

Ректор  **О.А.Назарбеков**  
202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_



М.Ў.


**Ўзбекистон композиторлари ва**  
**бастакорлари уюшмаси**

Раис  **Р.А.Абдуллаев**  
202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_



М.Ў.

**Ўзбекистон давлат филармонияси**

Директор  **З.К.Заïров**  
202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_



М.Ў.